

IX. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕХНАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1870,0 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 26435 кишига ёки 1,4 фоизга кўпайди.

2017 йил январь-декабрь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати

	<i>киши</i>			<i>ҳар 1000 кишига</i>	
	<i>2016 й.</i>	<i>2017 й.¹⁾</i>	<i>ўсиш, камайиш</i>	<i>2016 й.</i>	<i>2017 й.¹⁾</i>
Туғилганлар	38297	37172	-1125	20,9	20,0
Ўлганлар	8013	8365	352	4,4	4,5
Табиий ўсиш	30284	28807	-1477	16,5	15,5
Никоҳлар	15790	16329	539	8,6	8,8
Ажралишлар	1633	1823	190	0,9	1,0

2017 йилнинг январь-декабрда туғилганлар сони 37172 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (38297 киши) нисбатан 1125 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 20,0 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (20,9 промилле) нисбатан 0,9 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Гиждувон (23,1 дан 21,0 промиллега), Бухоро (19,5 дан 18,7 промиллега), Жондор (22,1 дан 20,7 промиллега), Қорақўл (22,0 дан 21,0 промиллега), Олот (22,9 дан 20,9 промиллега), Вобкент (21,4 дан 20,5 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-декабрда ўлганлар сони 8365 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (8013 киши) нисбатан 352 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,5 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-декабрда – 4,4 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Бухоро шаҳрида (4,8 дан 5,0 промиллега), Олот (4,3 дан 4,7 промиллега), Пешқў (3,9 дан 4,1 промиллега), Қорақўл (4,4 дан 4,5 промиллега), Жондор (4,0 дан 4,2 промиллега), Шофиркон (4,3 дан 4,5 промиллега) туманларида кузатилди.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-декабрда ФХДЁ органларида 16329 та никоҳлар ва 1823 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 8,8 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 8,6 та) ва 1,0 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 0,9 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 6738 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 9155 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 2417 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 1973 киши) тенг бўлди.

¹⁾ дастлабки маълумот

Энг катта минус қолдиқлар Бухоро шахрида (минус 1926), Когон шахрида (минус 296), Ѓиждувон (минус 182) туманларида кузатилди.

2017 январь-декабрь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати (ҳар 1000 кишига)



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-декабрга нисбатан 0,8 фоизга кўпайиб, 1074,0 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,4 фоизини ташкил қилди.


2017 йил январь-декабрда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 16874 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Бухоро (2624 кишига), Когон (1352 кишига) шаҳарларида, Ѓиждувон (1916 кишига), Шофиркон (1761 кишига), Қоракўл (1480 кишига), Вобкент (1208 кишига), Бухоро (1546 кишига) ва Ромитан (1051 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 15129 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Бухоро (2400 киши) Когон (1311 киши) шаҳрида, Шофиркон (1617 киши), Ѓиждувон (1623 киши), Қоракўл (1413 киши), Вобкент (1174 киши) ва Ромитан (1007 киши) туманларида юқори даражада бўлди.


Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 710 нафари ишсизлик мақомини олган.

Меҳнат ресурслари ва аҳолининг иш билан бандлиги¹⁾
(2017 йил январь-декабрь, минг киши)

¹⁾ дастлабки маълумот




Доимий аҳоли сони¹⁾ (2018 йил 1 январь ҳолатига, минг киши)




Тузилган никоҳлар сони¹⁾ (январь-декабрь ойларида)

(бирлик)



Никоҳдан ажралишлар сони ¹⁾(январь-декабрь ойларида)

(бирлик)



¹⁾Дастлабки маълумот